# Ishonch

*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

2021 йил
**13 май**
пайшанба

**№ 65**
**(4505)**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz




## Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 12 май куни Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 12 май куни Япония Бош вазири **Ёсихидэ Суга билан телефон орқали мулоқот қилди.**

* * *

Президент **Шавкат Мирзиёев** раислигида 12 май куни ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чоракдаги кўрсаткичлар таҳлили ҳамда жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан **видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

* * *

Циан шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Хитой Халқ Республикаси Шенси провинцияси губернатори **Чжао Иде билан музокаралар ўтказди.**

* * *

Кинематография агентлиги Ўзбекистон кино санъати музейида **«Ўзбек кинематографиясининг Иккинчи жаҳон урушидаги ўрни»** мавзусида ижодий кеча бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида **Қуръони Карим саҳифасининг дунёдаги энг катта қўлёзмасини қўлда кўчириш ишлари якунига етди.** Маълум қилинишича, Ислом цивилизацияси маркази қўлёзма Қуръон саҳифасини Гиннес рўйхатига киритиш юзасидан музокаралар олиб боришга киришди.

* * *

Сурхондарё вилояти Бойсун туманида яшовчи моҳир тикувчи – ҳунарманд Малика Пошшоева ва унинг тўнғич қизи Нилуфар Жўраева ўзбек-япон ассоциацияси директори, профессор Яшико Кавабата билан ҳамкорликда Бойсун миллий ҳунармандчилик дурдоналарини тикиш ва тўқиш сир асрорларига қизиқувчи **кунчиқар мамлакат хотин-қизларига онлайн маҳорат дарси ташкил этди.**

* * *

2021 йилнинг январь – апрель ойларида Ўзбекистонга қиймати 66,4 миллион долларга тенг бўлган **207,5 миллион литр автомобиль бензини импорт қилинган.** Бу ҳақда Статқўм хабар берди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Азиз юртдошлар!

Юртимиз мўмин-мусулмонлари ва бутун халқимизни ер юзидаги ислом уммати томонидан кенг нишонланаётган улуғ ва муборак айём – Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Эл-юртимиз учун инсонпарварлик, сабр-қаноат, хайру саховат ва шукроналик тимсоли бўлган ушбу қутлуғ байрам кунларида барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, кейинги бир йилдан зиёд вақт давомида бутун дунё мамлакатлари қатори жонажон Ўзбекистонимиз ҳам пандемия билан боғлиқ мураккаб синовларни бошидан ўтказмоқда.

Бундай шароитда Рамазон ойи ва ҳайит байрамининг моҳиятида мужассам бўлган меҳр-мурувват, эҳтиёжманд тоифаларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатиш, ҳаёт ташвишлари ва муаммоларини биргаликда, ўзаро елкадош бўлиб ҳал этишдек олижаноб қадриятлар айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзининг миллий урф-одат ва анъаналарига содиқ, меҳнаткаш, ва саховатли халқимиз ана шундай юксак фазилатларни яққол намоён этиб, муқаддас Рамазон ойини тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтказгани ҳамда ушбу эъзозли айёмни катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётгани унга алоҳида файзу шукуҳ бағишламоқда.

Бугунги кунда кенг кўламли ислоҳот ва туб ўзгаришлар натижасида янгиланиб бораётган юртимизда халқ билан мулоқот, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, халқимизнинг бой ва қадимий диний-маънавий меросини тиклаш ва фаол тарғиб этиш, буюк аждодларимизнинг табаррук қадамжоларини обод қилиш бўйича олиб борилаётган салмоқли ишларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Жумладан, Қашқадарё вилоятида – калом илмининг атоқли намояндаси Абу Муин Насафий, Наманган вилоятида – тасаввуф таълимотининг йирик вакили Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида Сузук ота ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Кўплаб масжидлар, мадраса ва диний обидалар қайта қурилмоқда ва таъмирланмоқда, пойтахтимиздаги Ислом цивилизацияси маркази қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Муборак Рамазон ойида яна бир улкан хайрли ишни бошлаганимиз – буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги ёдгорлик мажмуасини ул зотнинг мусулмон оламидаги беқиёс обрў-эътибори ва нуфузига муносиб ҳолда барпо этишга киришганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Миллий тарихимизда биринчи марта кўп жилдли «Ислом» энциклопедияси нашр этила бошлагани ҳам муқаддас динимизнинг асл мазмун ва моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб этиш йўлидаги муҳим қадамдир.

Кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишларимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатимизда Учинчи ренессанс пойдеворини яратиш, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, барча юртдошларимизни ана шу ғоялар атрофида янада бирлаштиришга хизмат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги шиддатли замон барча жабҳалар қатори диний-маърифий соҳада ҳам олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Айниқса, дунё миқёсида рақобат тобора кескинлашиб, барқарорликка нисбатан таҳдидлар жиддий тус олаётгани бизни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга, фарзандларимизни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашдек ғоят масъулиятли ишга ҳар қачонгидан ҳам устувор аҳамият беришга даъват этмоқда.

Зеро, ислом дини – аввало, тинчлик ва дўстлик, аҳиллик ва бирдамлик, билим ва маърифат динидир. Мана шу олий ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, жамиятимизда ҳукм сураётган турли миллатлар ва элатлар, диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенгликни, фуқаролар орасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш барчамизнинг асосий бурчимиздир.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «**Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур»,** деган сўзлари бугун ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Бинобарин, диний қадриятларимизни, миллий ўзлигимизни улуғлаб яшаш билан бирга, давр талаби бўлган замонавий илм-фан ютуқлари, ахборот технологияларини эгаллашга алоҳида эътибор қаратишимиз, ёш авлодимизни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашимиз керак.

Ҳурматли уламоларимиз, имом-хатибларимиз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, муҳтарам нуронийларимиз – кенг жамоатчилик яқин ҳамкорликда бу борада янада фаол ва самарали иш олиб борадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Аллоҳ таолонинг марҳамати ёғиладиган ушбу барокатли ва нурафшон кунда сизларни яна бир бор азизу мукаррам Ийдул-Фитр билан чин дилдан табриклайман.

Дунёнинг узоқ-яқин мамлакатлари мусулмонларини ҳам самимий қутлаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишига тилакдошман.

Меҳнаткаш ва оққўнгил халқимизнинг мўътабар моҳи Рамазонда қилган барча эзгу ният ва дуолари ижобат бўлсин!

Жонажон Ватанимизни, азиз халқимизни Яратганнинг Ўзи паноҳида асрасин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




Носир Ҳайдаров олган сурат

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган

**12-11**

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик, хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида* ***«Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармон****ни имзолади.*

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **100** нафар фуқаролар афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **3** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **43** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **10** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **44** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **12** нафари чет эл фуқаролари, **4** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **6** нафарини аёл ҳамда **52** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.




>> 4



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

**1092 –**

қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!


*Келгуси сонларда ўқинг...*

ОСТОНАДАГИ УЧРАШУВЛАР





«ФАРОСАТСИЗ» РЕКЛАМАЛАР






ИНСУЛЬТНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛАДИ(МИ?)




Самарқанд вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти



# Тадбиркор аёллар сафи кенгаймоқда

**Ингичка шаҳарчаси – Каттақўрғоннинг энг чекка манзилларидан бири. Тоғ-кон саноати ривожланган бу гўша аёлларини қийнаб келган катта муаммо ишсизлик эди. Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича Ишчи гуруҳнинг бу ҳудуддаги фаолияти аёллар ҳаётига баҳор нафасини олиб кирмоқда.**

Ишчи гуруҳ ингичкалик аёллар муаммоларини ҳам таҳлил этди. Улар орасида 16 нафар хотин-қизнинг тикувчилик ҳунари борлигига аниқлик киритилди. Касаба уюшмалари кўмагида янги замонавий дастгоҳлар етказилди. Аёллар бандлигини таъминлаш тадбирларида асли каттақўрғонлик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашова ҳам иштирок этди. Эл суйган санъаткор билан учрашув ва ишлаш имконининг пайдо бўлгани ингичкалик аёллар кўнглини кўтарди.

– Маҳаллий раҳбарлар кўмагида маҳалламизда тикувчилик цехи ташкил этилди, – дейди шаҳарчанинг Усмон Носир кўчасида яшовчи Гулбаҳор Турсунова. – Тикиш-бичиш ишларига ўзим раҳбарлик қиляпман. Ҳозирча янги дастгоҳга эга бўлган 9 нафар аёлни ёнимга олиб, иш бошладим. Келгусида қолганларни ҳам сафимизга қўшиб, фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштириб турибмиз.

Каттақўрғон тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада яшовчи Шаҳноза Сафоевани ҳам чорасизлик «Аёллар дафтари»га туширган эди. Ишчи гуруҳ вакиллари билан мулоқотда у озгина етишмовчилигини баён этган. Ўн миллион сўмлик имтиёзли кредит Шаҳнозадаги иқтидорни юзага чиқарди.

– Маблағ қўлимга теккач, енг шимариб, ишга киришдим, – дейди Ш.Сафоева. – Маҳалла марказидан «Гўзаллик салони» очдим. Ёнимга уч нафар ўзимга ўхшаб қийналган, қўлидан иш келадиган хотин-қизни олдим. Ҳозир қўлимиз-қўлимизга тегмай ишлаяпмиз. Ҳозирча даромад ҳам, мижозлар қатнови ҳам жойида.

Ҳудудда «Аёллар дафтари» орқали рўшнолик кўраётганлар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Кредит маблағини қўлга киритган шу туманда яшовчи Лайло Нормуродованинг ҳам тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганидан хабар топдик. Унинг шу вақтгача 2 кишини иш билан таъминлаб қўйгани таҳсинга лойиқ.

***Айтмоқчи бўлганимиз шуки, кўмакни ҳис этган аёллар тадбиркорга айланмоқда. Аслида, мақсад ҳам шундай: улар жамиятда ўз ўрнини топиши керак.***

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Мурувват

# «Ҳол сўраганларнинг борига шукур...»



**Наманган вилояти тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси ходимлари кўплаб кўнгли ўксикларга ёрдам қўлини чўзиб, уларга тиббий ва ижтимоий кўмак кўрсатиб келишмоқда.**

– Вилоятимизда 3094 нафар якка-ёлғиз, қаровга муҳтож қария бор, – дейди Наманган вилояти тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Нурмуҳаммад Турғунов. – Нуронийларга 380 нафар ижтимоий-тиббий ходим бириктирилган. Улар қарияларнинг хонадонларига жадвал асосида кунда ёки кунора бориб, керакли ёрдамларни бериб келишади. Кези келса, уларни ювинтиришади, уйларини тозалашади, ош-овқатига қарашади, шу билан бирга, тиббий муолажаларни ҳам қилишади.

«Меҳнатобод» МФЙ ҳудудида яшовчи, 70 ёшни қарши олган якка-ёлғиз онахон Ёқутхон Йўлчиева ўзига бириктирилган қаровчиларини кутиб олаётганида ҳам, кузатаётиб ҳам қўли ва тили доим дуода. Катта ҳовлида бир ўзи яшаш тақдирига битилган бу онахоннинг эрталабдан нонини ёпиб, ҳовлисини тозалаб, бир коса ширин овқатини беминнат олдига тайёрлаб қўяётганларнинг хизматидан кўнгли тоғдек кўтарилади.

– Эшигимдан мени ҳар куни сўроқлаб келаётган, кучим кетганида танимга қувват, оёғимга мадор бўлаётганнинг ёрдамидан, меҳридан ёлғизлигимни ҳам унутганман, – дейди онахон.

– Хизматини қилаётган ҳар бир ёши улуғ инсоннинг, биринчи навбатда, ўтмишидан яхши хабардор бўлган ҳолда, руҳиятини, нималарни ёқтириши, нимадан хурсанд, нимадан хафа бўлишигача ўрганиб, муомала қиламиз, – дейди бошқарманинг Учқўрғон тумани ходимаси Гулбаҳор Абдураҳимова. – Хонадонида хизматларини қилгани борганимизда бирига ота, яна бирига онажон дея мурожаат қиламиз, инжиқликларини кўтарамиз, оғриб қолганида даволашга шошамиз.

– Қариганингда ёнингда бир қаровчинг бўлгани, ғамхўринг борлиги – бахтинг, – дейди 80 ёшдан ўтган Жўрабой ота Раҳмонов. – Ҳар доим уйимга келиб, ҳолимдан хабардор бўлиб, меҳр кўрсатаётган бу яхшиларнинг ризқи бутун, умри узун бўлсин, дея дуо қиламан.

Маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, Наманган вилояти тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошқармаси ходимлари томонидан шу кунга қадар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлиги бор шахслар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, 148 нафар қарияга ҳар ойда энг зарур 19 турдаги меъёрлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бериб келинмоқда.

**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»

Эъзоз

**9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан темирйўл тизимида фаолият кўрсатган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда фронт ортида меҳнат қилган темирйўлчилар хонадонига ташриф буюрилиб, улар ҳолидан хабар олинди, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди.**

# Фахрий темирйўлчилар ҳузурида




Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда темирйўл тизимида узоқ йиллар ишлаб, айни дамда кексалик гаштини сураётган 5 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда 71 нафар фронт ортида меҳнат қилган ватандошимиз қолди. Одатда, ҳар йили уларнинг хонадонларига бориб, ҳолидан хабар олинади, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу йил ҳам ушбу анъана давом эттирилди.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қутлимурат Собиров раҳбарлигида мутасаддилар фронт ортида меҳнат қилган ва кейинчалик мамлакатимиз темирйўл тизимининг марказий аппаратида фаолият кўрсатган ва айни пайтда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 5 нафар темирйўлчи хонадонига ташриф буюрди.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида истиқомат қилаётган 93 ёшли Абдуғафур Жалилов меҳмонларни кўриб, қувониб кетди. Унга ташаккурнома, 5 миллион сўм пул мукофоти ҳамда «Artel» телевизори ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.



Кейинги ташриф фронт орти қатнашчиси, 91 ёшли Габдулхак Салаховнинг хонадони бўлди. Ундан сўнг 91 ёшли Самар Кличев, 92 ёшли Пелагея Подгорнова ҳамда 97 ёшни қарши олган Антонина Проскудина хонадонларига ташриф буюрилиб, совғалар топширилди.

– Ташрифингиз учун миннатдорман, бошим осмонга етди, – дейди Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ортида меҳнат қилган темирйўлчи Самар Кличев. – Тинчлигимизга, фаровон турмушимизга кўз тегмасин. Ҳар йили ушбу санада ва бошқа байрам кунларида темирйўл раҳбарияти бизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб келади. Бундан жуда хурсандмиз. Раҳмат сизларга!

Ушбу анъана мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги темирйўл корхоналарида, минтақавий темирйўл узелларида ҳам давом эттирилди.

**Назокат НУРМАТОВА**

Сурхондарё вилояти

**Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ўзбекистон шахмат федерациясининг Сурхондарё вилояти бўлими билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл урди.**

Ёднома

# Хотира турнири

Термиз шаҳрида узоқ йиллар вилоят ва республика миқёсидаги нуфузли лавозимларда ишлаган Бўри Алламуродов хотирасига бағишлаб шахмат бўйича хотира турнири ўтказилди. Унда нуроний отахонлар, меҳнат фахрийлари, ҳаваскор шахматчилар ва журналистлар қатнашди.

Тадбирда бирлашма раиси Абдукарим Аҳмедов, Бўри Алламуродовнинг дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари номидан касаба уюшма фахрийси Ҳумойиддин Шарофуддинов, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Орзиқул Соатов, «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбари Тожимурод Мамараимов, меҳнат фахрийси Абдуҳалил Намозов сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, шахсий ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан барчага ибрат бўлиб, эл-улус меҳрини қозонган Бўри Алламуродов Сурхон воҳасидан чиққан етук салоҳиятли инсон эди. Шу боис, унинг хотирасига бағишлаб ўтказилган «ақл чархи» беллашуви жуда файзли, қизғин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Мусобақада 31 та доскада 62 нафар шахматчи бир-бирига қарши тош сурди. Улар етти марта беллашгач, тўплаган очколари бўйича ғолиблар ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланди.

Эркаклар ўртасида 1-ўрин Термиз давлат университети ўқитувчиси Набижон Норбоевга, 2-ўрин Иномжон Шоймуродовга, 3-ўрин Учқун Менглиевга насиб этди.

Аёллар ўзаро беллашувида Хосият Ашурова ғолиб бўлди. 2-ўринга эса тенг очко тўплаган Гулшод Турдиқулова ва Мадина Баҳронова лойиқ деб топилди.

Турнирда фаол иштирок этган шахматчилар орасида Ҳумойиддин Шарофуддинов «Ёши энг улуғ шахматчи», Бобур Исмоилов «Энг ёш иштирокчи» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Ғолибларга махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Отабек БОБОЖОНОВ,**
Сурхондарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Маданий-маърифий ва спорт ишлари» бўлими мудири

Бухоро вилояти

Бор бўл, оқибат!

**Бухоро шаҳри, Имом ал-Бухорий номидаги маҳалла, Тагманбофон кўчасидаги гавжум хонадонда Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, ҳозирда ҳаёт бўлган ўн етти нафар бухоролик фахрийлардан бири – Ниёз ота Гулов истиқомат қилмоқда.**

# НИЁЗ БОБОНИНГ ЖАСОРАТИ



Ниёз ота кўп қатори қўлига қурол олиб, юрт ҳимоясига отланганида, ўн етти яшар бўз йигит эди. Генерал Андрей Петров бошчилигидаги 389-армия сафида Россия, Украина, Белоруссия ерларини душмандан озод этишда матонат кўрсатди. Қуролдошлари орасида маҳоратли пулемётчи сифатида ҳурмат қозонди. Курскдаги даҳшатли жангларда ёвга қақшатқич зарбалар берди. Тақдирни қарангки, шундай аёвсиз жанглардан бирида унга снаряд парчаси тегди. Шундан сўнг яраланган аскар госпиталга ётқизилди. Ўшанда 1944 йилнинг декабри эди.

Ғалабани у ўз уйида кутиб олди. Урушдан кейинги йилларда Когон туманидаги трестда, гўшт комбинатида меҳнат қилди. Оила қуриб, етти нафар фарзанд кўрди. Уларнинг барчасини уйли-жойли, ўқимишли қилди. Фарзандлари педагог, спорт мураббийси, мусиқашунос бўлиб етишишди. Ўлимларни доғда қолдирган пири бадавлат отахон айни пайтда йигирмадан ортиқ набира ва эвараларининг ардоғида.

Ўтган йиллар давомида у диёримизнинг «Жасорат» медали, собиқ иттифоқ ва Россия Федерациясининг қатор нишонлари билан мукофотланди.

Жаҳон урушида фашизм балоси устидан қозонилган буюк ғалабанинг етмиш олти йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маҳаллий ҳокимлик, Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари Ниёз отани йўқлаб борди. Президентимизнинг табрик мактуби ўқиб эшиттирилди ҳамда нуронийга 13 миллион сўмлик мукофот пули ва совға-саломлар топширилди.

Бундан ташқари, Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан отахоннинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, унга кондиционер туҳфа қилинди.

**Рустам ИБРОҲИМОВ,**
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Эътибор

# «ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМАН»



Гулистон шаҳри, «Улуғйўл» МФЙ ҳудудида яшовчи 95 ёшли Бектурсин Пирматовнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, тинчлик учун олиб борилган кураш ҳақидаги ҳикоялари ёшларни Ватанни улуғлашга чорлайди.

– Ҳар йили юртимиздаги сиҳатгоҳларда дам оламан, – дейди Бектурсин бобо. – Бу йил вилоятимиздаги «Янгиер» санаторийсига касаба уюшмалари томонидан бепул йўлланма берилди. Эътибор ва ғамхўрликдан умримизга умр қўшилмоқда.

Шунингдек, Сирдарё тумани, «Истиқбол» МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи Тилав Юсуфалиев ҳам байрам арафасида касаба уюшмаси фаоллари томонидан йўқланди. Унга озиқ-овқат ва эсдалик совғалари топширилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«ISHONCH»

Сайлов – 2021

**Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови илк маротаба Янги Сайлов кодексига мувофиқ бўлиб ўтади. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир юртдошимизнинг сайловчилар рўйхатига киритилиши муҳим аҳамиятга эга.**
**Сайлов кодексининг 4-моддасида, жумладан, шундай дейилган: «Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир».**




# САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ – ТЕНГЛИК ТАМОЙИЛИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Конституциямизга асосан, 18 ёшга тўлган фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқига эга. Бир сайловчи – бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Сайловчининг сайлов ҳуқуқини амалга ошириши унинг сайлов кампаниясидаги электорал маданиятини кўрсатадиган асосий мезонлардандир.

Сайловчининг сайловда иштирокини таъминлаш учун унинг битта сайлов участкасида бир маротаба овоз бериши ва бошқа сайлов участкасида иккинчи марта овоз беришининг олдини олиш мақсадида, сайловчининг овоз бериш жойи белгиланади, шунингдек, бир ҳудудда яшаётган кўплаб сайловчиларнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминлашда қулайлик яратиш мақсадида сайлов участкалари ҳамда ушбу сайлов участкасида овоз бериши мумкин бўлган сайловчилар рўйхати тузилади.

Шунинг учун сайловчилар рўйхати сайлов кампанияси давридаги энг муҳим ва ҳал қилувчи ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Сайловчилар рўйхатининг қонун талаблари асосида тузилиши халқаро сайлов стандартларига мувофиқ фуқароларнинг умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаронинг сайловчилар рўйхатига киритилиши сайлов ҳуқуқига эга бўлган сайловчиларга имконият яратиш учун муҳим, шу билан бирга, «бир сайловчи, бир овоз» принципини амалга оширишга хизмат қилади.

Сайловчилар рўйхати ҳаммага тенг шароит яратилишини, аниқ ва кенг қамровли бўлишини ва унинг жараёнлари барча манфаатдор томонлар учун очиқ бўлишини таъминлаш, сайловни самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган органларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Эътибор берсак, рўйхатдан ўтган сайловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда, сайлов участкаларининг сони ва жойлашуви, чоп этиш учун сайлов бюллетенлари миқдори, улар билан сайлов участкаларини таъминлаш ҳамда сайловчиларнинг овоз беришда иштирок этишини баҳолаш каби муҳим қарорлар қабул қилинади.

**Сайловчилар рўйхати бир неча варақдан иборат бўлгани сабабли унинг барча варақлари ягона тартибда рақамланади. Сайловчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳақидаги маълумотлар унинг паспорти ёки ID картаси асосида тўлиқ ёзилиши шарт.**

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайловчининг иккинчи бор рўйхатга киритилиши сайловда тенглик принципининг бузилишига сабаб бўлади.

Ушбу принципнинг бузилишига йўл қўйилган-қўйилмагани биринчи навбатда округ ва участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан, шунингдек, кузатувчилар томонидан сайлов жараёнида ўрганилади.

Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади. Сайловчилар рўйхатига маълумотлар аниқ, тушунарли, саналар ва жой манзиллари тўғри киритилиши шарт.

Сайловчилар рўйхатида сайлов ўтказиладиган йил ва сайлов куни, 18 ёшга тўлган сайловчиларнинг туғилган йили, ойи ва куни кўрсатилган бўлиши керак.

Қонунга мувофиқ сайловчилар рўйхати тузиб бўлингач, сайловга ўн беш кун қолганида сайлов участкасида сайловчиларга таништириш учун ҳаммага кўринарли жойга жойлаштирилади.

Сайловчилар рўйхатини тузиш учун рўйхат намуналари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Сайловчилар рўйхати икки хил шаклда тузилади, биринчи шакли сайловчиларга таништириш учун, иккинчи шакли сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этиш учун. Ҳар иккала шаклдаги сайловчилар рўйхатида сайловчилар ҳақидаги маълумотлар бир хил тартибда, бир хил рақамланган ҳолда тузилади.

Сайловчилар рўйхати бош саҳифа, ички варақлар ва сўнгги варақдан иборат бўлади.

Бош саҳифада ўтказилаётган сайлов номи, сайлов участкасининг тартиб рақами, жойлашган манзили ҳамда сайловчилар рўйхати кўрсатилади. Ички варақларида эса сайловчиларнинг рўйхати тартиб билан берилади.

Сўнгги варағида сайловчилар рўйхатининг якунловчи қисми ҳамда участка сайлов комиссияси раиси ва котибининг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзолари ҳамда имзо қўйилган сана кўрсатилади.

Сайловчилар рўйхати бир неча варақдан иборат бўлгани сабабли унинг барча варақлари ягона тартибда рақамланади.

Сайловчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳақидаги маълумотлар унинг паспорти ёки ID картаси асосида тўлиқ ёзилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган, ID-карта эгасининг шахсий биографик ва биометрик маълумотлари киритилган электрон ташувчи қурилма (чип)га эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Сайловчининг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга яшаш учун кўчиб ўтиши унинг бир сайловчилар рўйхатидан чиқарилиб, иккинчи сайловчилар рўйхатига киритилишига сабаб бўлади.

**Сайловчилар рўйхатининг қонун талаблари асосида тузилиши халқаро сайлов стандартларига мувофиқ фуқароларнинг умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.**

Шу сабабли сайлов кампанияси даврида сайловчи янги кўчиб келган ҳудудидаги участка сайлов комиссиясига, албатта, ўша куннинг ўзида мурожаат қилиши лозим. Бу ҳолат сайловчининг электорал маданиятини кўрсатувчи мезонлардандир.

Агарда сайловчининг яшаш жойи ўзгарса, сайловчи кўчиб келган ёки вақтинча бўлиб турган жойдаги участка сайлов комиссиясига ўз вақтида хабар бериши зарур. Бу ҳақда тегишли участка сайлов комиссияси маълумотга эга бўлмаса, сайлов кунига қисқа вақт қолганида ёки сайлов куни сайловчи овоз беришга келганда, у сайловчилар рўйхатига киритилмай қолгани сабабли овоз бера олмаслиги мумкин.

Башарти шундай ҳолатлар юзага келганда, сайловчининг сайлов ҳуқуқини таъминлаш нуқтаи назаридан, Сайлов кодексига алоҳида норма киритилган, шунга мувофиқ участка сайлов комиссияси сайловчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида сайловчининг қайси сайлов участкаси бўйича рўйхатга киритилганини сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан излаб топади ва муддатидан олдин овоз берган ёки бермаганини аниқлайди. Шундан сўнг, ушбу сайловчи доимий яшаш жойида муддатидан олдин овоз бермаган бўлса, вақтинча яшаш жойидаги сайлов участкаси бўйича сайловчилар рўйхати иловасига киритилиши мумкин.

Айтиш лозимки, сайловчи ўзининг сайловчилар рўйхатига киритилганини аниқлаши, уни участка сайлов комиссиясидан сўраши ва сайловчилар рўйхати билан танишиб, зарур ҳолларда унга тегишли ўзгартириш киритилиши бўйича сайлов комиссиясига мурожаат қилиши сайлов ҳуқуқини рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамиятга эга.

Сайловчиларга ўз сайлов участкасини топишда қулайлик яратиш мақсадида бир неча қулай воситалар ишлаб чиқилган. Бунинг учун сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясининг elections.uz веб-сайтида ташкил этилган «Ўзингизни сайловчилар рўйхатидан аниқланг» ва Ягона интерактив хизматлар давлат порталидаги «Сайлов участкасини аниқлаш» номли хизматдан ҳам фойдаланиши унинг ўз вақтида сайловчилар рўйхатига киритилишига ёрдам беради.

Бу ҳақда сўз юритганда Ўзбекистон Республикасида 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловлар якуни бўйича ЕХҲТ Демократик институтлар инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Миссиясининг якуний ҳисоботидаги қуйидаги фикрларни келтириш ўринлидир: «Сайловчиларни рўйхатга олиш пассив (нофаол) бўлиб, сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтган яшаш жойларидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлар. Бу сайловларда илк бор марказлашган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан (СЯЭР) фойдаланилди. У қайта-қайта овоз беришни камайтириш ва сайловчилар қамровини анча кенгайтиришни олдига мақсад қилиб қўйган».

Ушбу мисоллар мамлакатимизда сайловчиларни рўйхатга олиш амалиёти халқаро қоидалар билан ҳамоҳанг такомиллашиб бораётганини кўрсатади.

Демак, сайловчилар рўйхатини очиқ-ошкора тузиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган тартиб амалиётда фуқаролар хоҳиш-иродаси тўлиқ ифодаланишини таъминлашга хизмат қилибгина қолмай, мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг овози муҳим аҳамиятга эга эканини ҳам кўрсатади.

Дахлдорлик туйғусининг мустаҳкамланиши жорий йилда ўтказиладиган Президент сайлови Янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларнинг, барча фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, гражданлик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этадиган муҳим сиёсий тадбир сифатида дунё ҳамжамиятининг эътиборини қозониши шубҳасиз.

**Баҳодиржон ЮНУСОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
доимий асосда ишловчи аъзоси






*Қашқадарё вилояти*

Касаба уюшма фидойилари

**Кўп йиллар Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашини бошқарган, бугунги кунда мазкур кенгашда раис маслаҳатчиси бўлиб ишлаётган касаба уюшмалари фидойиси Эсон Ражабов 80 ёшга тўлди.**
**Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, раис ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев иштирок этиб, касаба уюшма фидойисини қутлуғ сана билан қутлашди. Ўз навбатида, Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев, вилоят ҳокими маслаҳатчиси Январ Иноятов, «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари Жумақул Қурбонов, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоятдаги масъул ташкилотчилари ҳамда бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари сўзга чиқиб, Эсон акани самимий муборакбод этишди.**



# Кайвони

## ёхуд Эсон Ражабовнинг ҳаёт фалсафаси

Эътироф этилганидек, Эсон Ражабов Ватан хизматида бўлишда ўз иши, ҳақиқий халқпарварлик сифатлари билан жуда кўп инсонларга устозлик қилди, ўз ортидан эргаштирди.

Ҳа, Эсон аканинг Ёшлар ташкилотидаги ташаббускорлиги, «Қарши қурилиш» бошқармасида, Қарши чўлининг ўзлаштирилишидаги жонбозликлари, Муборак туманидаги машаққатли меҳнати, энг асосийси, 30 йилдан ошиқ вақт мобайнида Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасидаги заҳматли фаолияти... Буларнинг ҳар бири улкан китобларга-да мавзу бўларлик ҳикоялардир...

«Шуҳрат» медали, «Меҳнат шуҳрати», «Эл-юрт ҳурмати», «Фидокорона хизматлари учун» орденлари соҳиби бўлган Эсон Ражабовга ортиқча таъриф бериш шарт эмас, назаримизда. Бир сўз билан айтганда, эл кайвониси...

Қуйида у киши ҳақидаги фикрларни жамладик. Эсон Ражабовнинг юракларни тўлқинлантирадиган халқона иқтибосларини келтирдик. Мақсад – яхши инсонлардан ўрнак олмоқ, уларга эргашмоқдир.

### «АКАНГ ҚАРАҒАЙ «ПРОФСОЮЗ»НИНГ РАИСИМАН ДЕБ... »

– Касаба уюшмалари қандай ташкилот? Касабақўм етакчисининг вазифалари нималардан иборат?

Эсон ака ўқув анжуманлари чоғида юқоридаги саволларга жавоб қайтарар экан, куйиб-ёниб сўзлайди:

– Бугун касаба уюшмалари кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Барча соҳаларда касаба уюшма қўмитаси раиси, қўмита аъзолари фаол иштирок этиши, одамларни ўз ортидан эргаштира олиши зарур. Аммо «Аканг қарағай, касабақўм етакчисиман», деб галстукни тақиб, ғўддайиб юрувчилар, аслида, ўз вазифаси нималардан иборат эканини билмайдиганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Афсуски, баъзи одамлар онгида касаба уюшмаларига нисбатан «Санаторийларга йўлланма берадиган ташкилот» деган саёз тушунча ҳали-ҳамон сақланиб қоляпти. Кўчада бирор танишим учраб қолса, «Йўлланма йўқми? Ўзимга битта, божамга битта йўлланма топиб беринг», деб сўрайди.

Биз бу каби инсонларнинг қарашини ўзимизнинг кенг қамровли ишларимиз билан ўзгартиришимиз талаб этилади.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўплаб муҳим аҳамиятга молик масалаларга ечимлар изламоқда.

Ана шундай мулоқотлар чоғида маҳалла ва қишлоқларда, корхона ва муассасаларда бошланғич ташкилотларда кўтарилган масалалар юзасидан қизғин давра суҳбатлари бўлиб ўтади. Эсон ака давра суҳбатига таклиф этилганларнинг баъзиларининг ёндашувидан қониқмайди:

– Сиз қайси ташкилотдансиз?
– Фалон бошқармадан.
– Ким бўлиб ишлайсиз?
– Мутахассисман.
– Нега бошлиғингиз келмади?
– Мени жўнатганди.

– Биз бошлиғингизни таклиф этгандик-ку. Бугун энг долзарб муаммоларга ечим изланяпти. Шундай муҳим паллада келиб, ўз йўналишидаги саволларга жавоб қайтаришни, муаммоларга ечим топишни ўзига эп кўрмаган баъзи бундай раҳбарларга нима дейиш мумкин? Ўзини ҳурмат қилган одам бундай масъулиятсизликка йўл қўймайди. Келиб, элу халқни қийнаётган саволларга мардона жавоб қайтаради...

### ҚУРУҚ ВАЪДАЛАР КЕРАК ЭМАС

– Мамлакатимизда ёшларга жуда катта эътибор қаратиляпти, уларга улкан ишонч билдириляпти. Аммо... Талабалик йилларимни яхши эслайман. Битта костюм ва кўйлакни йиллар давомида қайта-қайта ювиб, дазмоллаб кийиб юрардик. Ёшлар ташкилотида ишлаганимда ҳам эрталабдан-кечгача меҳнат жамоаларига, чўлдаги хўжаликларга, саҳрода йўқни бор қилаётган заҳматкашлар ҳузурига бориб, уларнинг иш шароитини, ҳаёт тарзини яхшилаш бўйича мулоқотлар, учрашувлар ўтказардик.

Афсуски, ҳозирги ёшлар ташкилотларида ишлайдиган йигит-қизларда ана шундай фидойилик, ташаббускорлик кўзга ташланмаяпти. Улар халқ орасига яқинроқ бориб, оддий аҳолининг муаммоларини ўрганиши, меҳнат аҳлининг оғирини оз бўлса-да, енгил қилмоғи лозим. Қуруқ гап ва ваъдалар, ижроси таъминланмайдиган «шаблон» режалардан қочиш вақти келди.

### БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИНГ!

Эсон Ражабов ҳақида Яккабоғдаги «Истиқлол ғунчалари» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Абдуғани Боқиев шундай ҳикоя қилади:

– Эсон аканинг саъй-ҳаракати билан Қашқадарёда болаларни соғломлаштиришнинг намунали мактаби яратилди. Оромгоҳларни мавсумга сифатли тайёрлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича, хавфсизлик масалалари бўйича аниқ ва мукаммал, шаклланган механизм яратилди. Айни пайтда вилоятда 19 та оромгоҳ стационар тарзда фаолият олиб бораётгани ва дам олдириш режасининг ҳар йили ошиғи билан бажарилиши юқоридаги сўзимнинг исботидир.

Эсон ака доимо бизга шундай дейди: «Ҳалол-покиза ишланг. Болаларга ғамхўрлик қилинг. Бола билан шундай ишлангки, бу бола яна ва яна сизнинг масканингизга талпинаверсин!»

### БАРДАМЛИК САБАБИ НИМАДА?

Маълумки, бугунги кунда меҳнат жамоаларида «Ходимлар гимнастикаси»ни ривожлантириш орқали ходимларнинг саломатлигига озгина бўлса-да, ҳисса қўшиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилаётир.

Бу ҳақда Эсон ака шундай дейди:

– Ҳар куни тонгда туриб, бадантарбия билан шуғулланаман. Ишхонада ҳам қоғозлар билан ишлаб чарчаганимда, ўрнимдан туриб, гимнастика машқларини бажараман. Қўлларимни, оёқларимни ҳаракатлантириб, миямга, танамга дам, ором бераман. Қарабсизки, саксон ёшда ҳам тетикман, ишдан чарчамайман...

### ЮТУҚЛАР ҲАМЖИҲАТЛИКДА...

– Тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчилари билан доимий ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда иш олиб борамиз, – дейди Эсон ака. – Улар нафақат ўз тармоқлари ишини мувофиқлаштиришади, балки қатор долзарб масалаларда бизга, вилоят кенгашига яқиндан кўмак беришади. Масалан, Шодмон Кубаев, Исмат Очилов, Илҳом Сабдаров оромгоҳларни мавсумга тайёрлашда тезкор ишчи гуруҳи раҳбари сифатида кўп йиллардан буён яқин ҳамкоримизга айланган. Дилбар Тўхтаева, Бобомурод Хўжаёров, Фозил Турсунов, Акбар Юсупов каби етакчилар ҳам долзарб паллада туманларга бириктирилиб, тузилган ишчи гуруҳларига бош-қош бўлишяпти. Мухтасар айтганда, бизда «Бу иш менинг ваколатимга кирмайди. Нега энди бу вазифани бажаришим керак?» деган акс қарашлар, фикрлар йўқ. Барчамиз долзарб масалалар ечимида бир ёқадан бош чиқариб, бирлашиб ҳаракат қиламиз. Аслида, ютуқларнинг асосий сабаби ҳам ҳамжиҳатликда, бирликда.

### ЭЛНИ СЕВИНГ...

– Ўттиз йилдан ортиқ бир жамоада ишлаб, эл назарига тушиш, кўплар ҳавас қиладиган мартабага эришиш катта бахт, – дейди Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Бахтиёр Жўраев. – Мен Эсон акани ўзимга устоз деб биламан. Соҳада ишлаган давримда у кишидан кўп нарсани ўрганганман. Тақдир тақозоси билан бугун яна Эсон ака билан бирга ишлаяпмиз. Устозимиз ўрнакли, бахтли ҳаёт йўлини босиб ўтган. Энг эътибор қиладиган жиҳати – Эсон ака раҳбарлик фаолиятида деярли адашмаган, хатога йўл қўймаган. Бу эса камдан-кам инсонларга насиб қиладиган бахтдир. Эсон ака ўзининг фидойилиги билан бизни ҳам руҳлантириб туради.

– Юрт олдидаги бурчингизни унутманг. Ҳеч бир мурожаатни беэътибор қолдирманг. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, сизу бизга бўлган ишонч туради. Кўпроқ халққа яқинроқ боринг. Халқни севганни халқ ҳам суяди, – дейди устозимиз.

***Эл кайвонисининг бу фалсафаси бугун вилоятдаги касаба уюшмаларининг ҳам асосий фаолият тамойилига айланган. Бу – бир инсоннинг бахти. Шу билан бирга, вилоятдаги соҳа ходимларининг бахтидир. Зеро, эл кайвониси билан елкадош ишламоқ ҳам шарафдир.***



**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

Адабий-бадиий кеча





# СЎЗдан топилган қаҳр ва ҚАДР

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ёзувчи Эврил Турон (Мамадали Маҳмудов) хотирасига бағишланган «Ёдимиздасиз» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.**

Адибнинг «Ойнур» ва «Ўлмас қоялар» номли китоблари тақдимотига ҳам бағишланган мазкур тадбирда таниқли адиблар, шоирлар ва адабиётшунос олимлар иштирок этди.

Ёзувчини хотирлаб сўзга чиққанлар – адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев, шоир ва журналист Абдусаид Кўчимов, шоир Муҳаммад Исмоил, таниқли ёзувчи Собир Ўнар ва бошқалар адибнинг ҳаёти ва ижоди, ўлмас хотиралари ҳақида илиқ сўзлар айтишди. Ёзувчининг дўстлари, шогирдлари, яқинлари ва фарзандлари, шунингдек, мактаб ўқувчилари ҳам адибга атаб чиқишлар қилишди.

Хотира уйғонса – гўзалдир, дейишади. Шундай ижодкорлар бўладики, улар ҳақ сўзни айтишдан ҳам, ёзишдан ҳам ҳайиқишмайди. Ана шундай кам сонли ижодкорлардан бири – Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) сўзи ва жасорати ортидан ҳам қаҳр, ҳам қадр топган ижодкор эди. «Бу тоғлар улуғ тоғлар», «Бўз бўри», «Ўлмас қоялар», «Туманли кунлар« каби асарлари билан танилган ёзувчи доимо асл ҳақиқатни ёзди. Бу эса айрим қўли узунларга ёқмади, ёқмаслиги ҳам аниқ эди. Натижада ёлғони йўқ сўз, ҳақиқий ифода ва жасорат учун «бадал» тўланди. Бу бадал – 17 йилга чўзилди, 17 йилга...

Айтишга осон, аммо шунча вақт ичида тўрт девор орасида озодлик ва орзулар, алам ва армон ҳақида ўй суришнинг ўзи бўлмаган. Кўзда соғинч, кўнгилда илинж билан кун саналган...

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кунлар ҳам келди... У 2017 йилнинг баҳорида қуёшли кунларни кўрди...

Эврил Турон озодликка чиққач, яна ижодга шўнғиди. Юрт тарихи ва тараққиёти ҳақида кўплаб чиқишлар қилди. Ўтган йиллар давомида унинг ўзига хос услубда ёзилган «Миллат тил билан тирик», «Олтин ўлка...», «Она тили», «Кимнинг ўзи ўзида?» каби 10 дан ортиқ мақола ва бадиий ижод намуналари «Ishonch» газетасида эълон қилинди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг бир қанчаси анча шов-шувга сабаб бўлди.

Нокамтарликка йўйманг, аммо бор гап шуки, Эврил Туронга «бағрини очиб», саҳифаларидан энг кўп жой берган нашр – «Ishonch» бўлади. Бундан ташқари, ижодкор ҳамиша таҳририят жамоасининг иззат-эътиборида бўлди. У байрамлар ва яхши кунларда бошқа ижодкорлар сингари йўқлаб турилди. Деярли ҳар сафар табрик ва йўқлов учун ижодкор ҳузурига мен борардим.

Очиғи, ҳар сафар адиб билан дилдан суҳбатлашишни кўнглимга тугиб борардим. Лекин унинг хонадони меҳмонлар – яқин дўстлари, дилдошлари, дардкашлари билан гавжум бўларди. Мен уларнинг қизиқарли суҳбатидан баҳраманд бўлиб, ўзимнинг «режам»ни кейинга қолдирардим. Афсус...

Мен ватанпарвар ёзувчининг бемалол вақтини топиб, дилдан гурунг қилмоқчи, у кишидан «у ёқда»ги қора кунлар, қораламалар, тақиқланган асарлари, кечаги ва бугунги куни... ҳақида сўраб, ёзиб олмоқчи эдим.

Афсуски, бу ҳам бир армон бўлиб қолди.

СЎЗ ортидан бу фоний дунёда қаҳр ва қадр кўрган Эврил Турон боқий дунёда МЕҲР топган бўлсин...



**Алижон АБДУРАҲМОНОВ,**
«ISHONCH»

Эълонлар

**«FAR PIRAMIDA INVEST» МЧЖ**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**Аукцион савдосига «Асакабанк» АЖнинг 20.04.2021 йилдаги 16/2080-сонли буюртма хатига асосан «Асакабанк» АЖ балансидаги қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. Фарғона вилояти, Фарғона тумани, «Бирдамлик» МФЙ ҳудудида жойлашган «Товуқхона» бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 453 675 000 сўм. Мулкни сотиш шартлари: Тўлов муддати 5 (беш) йил, йиллик кредит фоиз миқдори 14 (ўн тўрт) фоиз.

2. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, «Олмазор» МФЙ, Марғилон йўли кўчаси, 6-уйда жойлашган «Савдо дўкони» бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 224 913 365 сўм. **Мулкнинг сотиш шартлари:** Тўлов муддати 4 (тўрт) йил, йиллик кредит фоиз миқдори 14 (ўн тўрт) фоиз.

Юқоридаги бино ва иншоотларнинг аукцион савдоси 2021 йил 17 июнь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

**Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 15 июнь, соат 18:00.

Акуцион савдоси «Асакабанк» АЖ биносида бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2021 йилнинг 17 июнь кунги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2021 йилнинг 2-, 17 июль, 2-, 17 август, 1-, 16 сентябрь, 1-, 18 октябрь, 2-, 17 ноябрь ва 2-, 17 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган бино-иншоотлар билан «Асакабанк» АЖ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Шунингдек, Аукцион савдосига «Асакабанк» АЖ Қўқон шаҳар филиалининг 29.04.2021 йилдаги 01/1470-сонли буюртма хатига асосан «Асакабанк» АЖ Қўқон шаҳар филиали балансидаги қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

1. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, «17-Калвак» МФЙ, Шохруҳобод кўчаси, 15А-уйда жойлашган бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси – 21 352 221 350 сўм.

**Аукцион савдоси 2021 йил 16 июнь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

**Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 14 июнь, соат 18:00.

Аукцион савдоси «Асакабанк» АЖ Қўқон шаҳар филиали биносида бўлиб ўтади.

**Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Бино-иншоотларнинг сотилиш баҳоси тўлов муддатлари ва бошқа шартлар сотувчи ҳамда харидор ўртасида олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – «Far Piramida Invest» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Асакабанк» Фарғона вилояти филиали, ҳ/р: 22626000804602810001, МФО: 00539, СТИР: 300353028) тўлашлари шарт.

**Манзил:** Фарғона шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 7-В-уй, 75-хонадон. **Телефон:** 90-630-66-99. www.fer-pmd.uz.

**Лицензия RR-0131**

Янгийўл туманидаги Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2006 йилда Акромов Дилмурод Жуманазарович номига «Ҳуқуқшунос иқтисодчи» йўналиши бўйича берилган К №353614-рақамли диплом йўқолгани маълум қилинади.

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ**
*(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,**
**Анвар АБДУМУХТОРОВ,**
**Сайфулло АҲМЕДОВ,**
**Акмал САИДОВ,**
**Равшан БЕДИЛОВ,**
**Қутлимурот СОБИРОВ,**
**Суҳроб РАФИҚОВ,**
**Шоқосим ШОИСЛОМОВ,**
**Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,**
**Нодира КАРИМОВА,**
**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**
*(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Темур МАМАЖОНОВ**
*(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ**
*(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК**
*(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** — (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти** — (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Ж. Наҳанов

**Мусаҳҳиҳ:**
А. Абулфайзов

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **16:30**
Топширилди – **17:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 506.**
**30368** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130